



XALQ DEPUTATLARI NAMANGAN SHAHAR KENGASHINING QARORI

2022 - yil 30 - aprel

VI-41-50-6-91-K/22

Namangan shahar hokimligi

Маъмурий ишлар бўйича Наманган туманлараро суди, Наманган туманлараро иқтисодий суди ва Наманган шаҳар адлия бўлимининг 2022 йил биринчи чораги давомидаги фаолияти юзасидан ахборотлари тўғрисида

Халқ депутатларининг "Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш бўйича" доимий комиссиясининг 2022 йил 16 апрелдаги 5/3-сонли қарорини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 6 ва 24-моддаларига мувофиқ, Халқ депутатлари Наманган шаҳар Кенгаши,

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Маъмурий ишлар бўйича Наманган туманлараро суди раиси О.Зиявитдинов, Наманган туманлараро иқтисодий суди раиси А.Каримов ва адлия бўлими бошлиғи М.Раҳмановларнинг 2022 йил биринчи чораги давомидаги фаолияти юзасидан берган ахборотлари маълумот учун қабул қилинсин.

2. Маъмурий ишлар бўйича Наманган туманлараро суди (О.Зиявитдинов), жиноят ишлари бўйича Наманган шаҳар суди, фуқаролик ишлари бўйича Наманган туманлараро суди (Х.Номанов) ҳамда Наманган туманлараро иқтисодий суди (А.Каримов):

хар бир судья томонидан аҳоли билан жойларда бир ойда камида бир марта очик мулоқотлар ташкил этиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида бу борадаги ишларни маҳалла, корхона ва ташкилотларда сайёр

суд мажлисларида кўриш кўламини кенгайтириш;

одил судловга эришиш даражасини ошириш, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш;

Наманган шаҳридаги маҳалла фуқаролар йиғинларида сайёр суд ҳамда сайёр қабулларни ўтказиш графикларини қайта кўриб чиқиб, маълумот учун тасдиқланган ҳолда Кенгашга тақдим этиш;

сайёр қабулларда фуқароларга алоҳида бепул юридик маслаҳатларни бериш соатларини ташкил этиш сўралсин.

3. Халқ депутатлари шаҳар Кенгашининг “Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш бўйича” доимий комиссияси раиси М.Алихановга суд идоралари раҳбарлари томонидан ҳар чорак якуни бўйича берилаётган ахборотларини таҳлил этган ҳолда одил судловни амалга оширишни мустаҳкамлаш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш вазифаси юклатилсин.

4. Мазкур қарорни ижросини назорат қилиш Халқ депутатлари шаҳар Кенгашининг “Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш бўйича” доимий комиссияси (М.Алиханов)га юклатилсин.

Шаҳар ҳокими



Ғ.Джамалов